

1387/3372 - عَنْ أَبِي هُرَيْثَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: نَحْنُ أَحَقُّ

مِنْ إِبْرَاهِيمَ إِذْ قَالَ: وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ أَرْبَيْ كَيْفَ تُحْكِي الْمَوْتَىٰ قَالَ أَوْمَ ثُقْمَنْ قَالَ بَلَىٰ وَلَكِنْ لَّيَطْمَئِنُ قُلْبِي قَالَ فَهُدْ أَرْبَعَةً مِنْ الْطَّيْرِ فَصُرْهُنَّ إِلَيْكَ ثُمَّ أَجْعَلْ عَلَىٰ كُلِّ جَبَلٍ مِنْهُنَّ جُرْعًا ثُمَّ أَدْعُهُنَّ يَأْتِينَكَ سَعْيًا وَأَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ، [البقرة: 260] وَيَرْحَمُ اللَّهُ لُوطًا، لَقَدْ كَانَ يَأْوِي إِلَى كُنْ شَدِيدٍ، وَلَوْ لَيْشَتْ فِي السِّجْنِ، طُولَ مَا لَبِثَ يُوسُفُ لَأَجْبَثُ الدَّاعِيَ.

1387.3372. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Биз Иброҳимдан кўра ҳақлироқмиз. Ўшанда у «Роббим, менга ўликларни қандай тирилтиришингни кўрсат», деганида У Зот: «Ишонмадингми?» деди. У: «Йўқ, лекин қалбим хотиржам бўлиши учун», деди. Аллоҳ Лутни раҳматига олсин, ваҳоланки у мустаҳкам таянчдан паноҳ топган эди. Агар зиндонда Юсуф турганча турганимда, чақирувчига албатта ижобат қилган бўлар эдим», дедилар».

Изоҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ерда учта пайғамбарнинг бошидан ўтган уч қиссага ишора қиляптилар. У зот шундай демоқчилар:

«Ислом миллатининг отаси бўлмиш Иброҳим алайҳиссаломки қалби янада хотиржам бўлиши, таскин топиши учун Аллоҳ таолодан ўликларни қандай тирилтиришини кўз ўнгидаги кўрсатиб беришни сўраган бўлсалар, қалб хотиржамлиги, кўнгил таскинига биз Иброҳим алайҳиссаломдан кўра ҳақлироқмиз, яъни муҳтоҗроқмиз.

Лут алайҳиссаломнинг уйига фаришталар келганида бузуқ табиатли қавм уларга тажовуз қилиш ниятида келди. Уларни даф қилишга кучи етмаётган Лут алайҳиссалом: «**Қанийди сизларга қувватим етса ёки мустаҳкам таянчдан паноҳ топсайдим**», деб юборди. Ҳолбуки, у киши энг мустаҳкам таянч - Аллоҳнинг паноҳида эдилар. Мен у кишининг бу сўзидан

ажабланаман.

Юсуф алайхиссалом қанча йил зинданда ётганидан кейин бир кун ҳақиқат рўёбга чиқиб, подшоҳ томонидан элчи чорлаб келганида, у киши қўлини кесган аёллар хусусидаги масалани юзага чиқармай туриб, зиндандан чиқиши хоҳламаган ва шуни ҳал қилмаса, подшоҳнинг таклифига кўнмаслигини айтиб, элчини қайтарган эдилар. Агар мен зинданда Юсуф алайхиссалом ётганимдан кейин элчи келиб, мени озодликка таклиф қилса, мен унинг таклифини қабул қилган бўлар эдим».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гаплари билан ўтган пайғамбарларнинг мақомлари нақадар юксак бўлгани, улар қанча-қанча машаққатларни кўтарганларини баён қилиб қўймоқдалар. Шу билан бирга, бу сўзлардан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сабрсиз бўлган эканлар, деган хулоса чиқмайди. Балки у зотнинг камтарликлари, ўтган рисолат қардошларига бўлган эҳтиромлари намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида, умматга берилган таълим-тарбия ҳамдир.

Изоҳ: Юсуф алайхиссалом бир қанча йил зинданда ётгач, ҳақиқат рўёбга чиқиб, подшоҳ одам юбориб, ҳузурига чақирган. Шунда у зот ўзига нисбатан уюштирилган тухмат масаласини ҳал қилмай туриб, зиндандан чиқмаслигини, подшоҳнинг таклифини қабул қилмаслигини айтиб, элчини қайтарган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар мен зинданда Юсуф алайхиссалом ётганичалик ётганимдан кейин элчи келиб, озодликка чақирса, мен бу таклифни қабул қилган бўлар эдим», демоқчилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ерда ўтган пайғамбарларнинг мақомлари нақадар юксак бўлгани, улар қанчалар оғир синов ва машаққатларга дуч келишганини баён қилмоқдалар. Бироқ, бундан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сабрсиз бўлган эканлар, деган хулоса чиқмайди, балки у зотнинг камтарликлари, пайғамбар биродарларига хурмат-эҳтиромлари намоён бўлади. Бу ҳам уммат учун ибратдир.

Манба: hadis.islom.uz



